



НУҚУ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Y. 19-MART, № 11 (1208)

Шу кунларда бутун дунёда катта таҳдидга айланган коронавирус пандемияси, афсуски, бизнинг мамлакатни ҳам четлаб ўтмади. Аини дамда барчамизнинг мақсадимиз бир – коронавирусдан одамларимизни асраш, уни талофатларсиз енгишдир.

Хукуматимиз коронавирус тарқалишининг олдини олиш борасида ишончли ҳамда тизимли чора-тадбирларни йўлга қўймоқда. Бош вазир томонидан ўтказилган йиғилиш ва ОАВ учун пресс-конференцияда давлат томонидан унга қарши керакли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, мазкур ҳолат бўйича барча захиралар яратилгани ва тиббиёт ходимлари шай ҳолатдалиги, илгор давлатлардан пандемияга қарши кураш тажрибаси ўрганилгани таъкидланди.

Албатта, бундай шароитда касаллик аниқланган шахслар ва улар билан му-

Карантин эълон қилиниши муносабаби билан Тошкент шаҳридан доимий яшаш жойига қайтиб кетаётган талаба ва ўқувчиларнинг транспортта талаба ўрганилиб, чипта нархини асоссиз ошириш ҳолатларининг олдини олиш чоралари кўрилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ходимлари бошчилигида “Ўзавтовокзал сервис” давлат унитар корхонасида штаб тузилиб, 13 та йўналишда 31 та қўшимча экспресс рейс ташкил этилди, талаба ва ўқувчиларга ярим нархида чипталар соғилиши йўлга қўйилди.

Шувингдек, бозорлар қошида 27 турдаги товарларни сотиш бўйича арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда ун, ўсимлик мойи, шакар ва нон нархи асоссиз ошишининг олдини олиш мақсадида кучайтирилган назорат ўрнатилиб, нарх-наво бўйича кескин ўзгаришларнинг олди олинмоқда.

Шу ўринда, санитарияга оид қонун ҳужжатлари ва эпидемияга қарши кураш қоидаларига қатъий риоя этиш лозимлигини, аини вақтда, ушбу меъёрларни бузганлик учун жавобгарлик мавжудлигини ҳам эслатиб ўтамиз.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига мувофиқ, эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш фуқароларга

DOLZARB

КОРОНАВИРУСДАН ҲИМОЯЛАНИШ БЎЙИЧА ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ТАВСИАЛАРИНИ ЯНА БИР БОР ЭСЛАБ ЎТАМИЗ.

■ Қўлингизни тез-тез совунлаб ювинг, спиртли антисептик воситалардан фойдаланинг. Аиниқса, жамоат транспортдан фойдалангандан кейин.



■ Кўз, оғиз ва бурнингизни ушлашдан ушладангиз, қўл бериб саломлашмасликка ҳаракат қилинг.



■ Аксирганда, йўталганда юзингизни рўмолча ёки тирсагингиз билан тўсинг.



■ Одам кўп тўпланадиган жойларга бормасликка ҳаракат қилинг. Шамоллаш ва грипп аломатлари бор одамларга яқинлашманг.



■ Иситма – янги турдаги зотилжамнинг энг асосий ва биринчи белгиларидан бири. Иситмангиз бўлса, уйдан чиқманг.



■ Иситма, йўтал, нафас олиш қийинлашиши каби белгилар намоён бўлса, кечиктирмасдан тиббий ёрдамга телефон орқали мурожаат қилинг.



■ Хоналарни тез-тез шамоллатиб туриг.



Аиниқса кекса ёшдаги, сурункали касалликлари бор инсонлар ўзларини авайлашлари лозим.

ВАҲИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

лоқотга киришганларни тиббий назоратга олиш коронавируснинг кенг кулоч ёйишига қарши зарурий чора эканини барчамиз англаб етмоғимиз шарт.

Коронавирус тарқалишининг олдини олиш борасида барча зарурий чоралар қўрилмоқда. Давлат органлари масъулари ўз фаолияти йўналишидан келиб чиққан ҳолда астойдил ҳаракат қилмоқда.

Шулар жумласидан, мамлакатимизда санитарияга оид қонун ҳужжатлари ва эпидемияга қарши курашиш қоидалари бузилишининг олдини олиш мақсадида 2020 йил 16 март куни Бош прокуратурада Бош прокурор ўринбосари раҳбарлигида штаб, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратураларда вилоят прокурорлари раҳбарлигида ҳудудий штаблар, туман-шаҳар прокуратураларида туман прокурорлари раҳбарлигида ҳудудий ишчи гуруҳлар тузилди.

Штаблар ва ишчи гуруҳлар фаолиятига соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиология осойишталик, санитария-эпидемиология назорати, солиқ, ички ишлар органлари вакиллари жалб этилди.

Штаблар ва ҳудудий ишчи гуруҳларга санитарияга оид қонун ҳужжатлари ва эпидемияга қарши кураш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, аҳоли орасида асоссиз ваҳима ва хавотирлар келиб чиқишига йўл қўймаслик ҳамда озик-овқат, дори-дармон ва тиббий буюмлар нархи барқарорлигини таъминлаш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш вазифаси юкланди.

Жумладан, 2019-2020 ўқув йилида Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган жами 618 минг нафар талаба ва ўқувчидан (олий таълим – 153 минг, ўрта махсус таълим – 465 минг) 81 минг нафари доимий яшаш жойига чиқиб кетиши режалаштирилган эди.

17 мартда 78 955 нафар, шундан 5 667 таси поезд, 180 таси самолёт, 1 020 таси автобус, 72 088 таси енгил автомашинада манзилига етказилди.

Шунингдек, 50 фойз чегирма билан 6 867 та чипта (шундан 1 420 таси кўпимча ташкил этилган 10 та сайёр касса орқали) сотилди.

Шу билан бирга, аҳоли тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида институт, университет ва талабалар тураржойлари жойлашган ҳудудларда қўшимча 26 та автобус қатнови ташкил этилди.

Транспорт қатнови, шу жумладан, йўл қира нархи барқарорлигини таъминлаш бўйича Транспорт вазирлиги, “Ўзтемирйўлўловчи” АЖ, Тошкент жанубий вокзали, Тошкент марказий вокзали филиали ва “Ўзавтовокзал сервис” ДУК мансабдорлари расман оғохлантирилди.

Товарларга ажиотаж талаб вужудга келишининг олдини олиш борасида республикадаги 218 та дехқон бозорининг барчасига, шунингдек кўп тармоқли ва йирик савдо объектлари, улгуржи савдо мажмуалари ва товар биржаларига Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ва Давлат солиқ қўмитасининг вилоят, туман-шаҳар тузилмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари бириктирилди.

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдорларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 257-моддасида эса одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келадиган тарзда санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонунда бундай жиноятни содир этганлик учун унинг оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдордаги жаримадан бошлаб беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазолар назарда тутилган.

Шу билан бирга, коронавирус ҳақида ёлгон ахборот тарқатганлик учун ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон қонунчилигига кўра жиддий чоралар қўрилади.

Азалдан халқимиз ҳар қандай синовни аҳиллик, бирдамлик, хотиржамлик, сабр-қаноат билан енгиб ўта олган. Буюк бобоқалонимиз Ибн Сино айтганидек, ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир. Хотиржамлик ярим соғлиқдир. Сабр эса шифонинг бошланғичидир.

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



КЕНГ ҚАМРОВЛИ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев Россия Федерациясининг Тергов қўмитаси раиси Александр Бастрыкин билан учрашди.

Учрашув давомида делегация вакиллари мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

Учрашув иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Россия Федерацияси Тергов қўмитаси ўртасидаги ҳамкорлик профессионал алоқаларни йўлга қўйиш ва шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш орқали изчиллик билан ривожланиётгани таъкидланди.

Тарафлар ўзаро манфаатли бўлган кенг қамровли масалаларни муҳокама қилдилар ва идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Россия Федерацияси Тергов қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим ҳамда 2020-2021 йилларга мўлжалланган идоралараро ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар ҳуқуқий соҳада ахборот ва тажриба алмашиш орқали икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Россия делегациясининг ташрифи алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлгани қайд этилди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

TADBIR



ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ОИЛАСИ – НАМУНАЛИ ОИЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида аҳоли осойиштаглигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини яхшилаш, маҳаллани жиноятлардан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролин мустаҳкамлаш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Фармон ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти мутахассислари, Чирчиқ шаҳар ҳоким-

лиги ва Тошкент ҳарбий округи кўшинлари кўмондонлигининг масъул вакиллари иштирокида Чирчиқ шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Ҳарбий хизматчи оиласи – маҳалладаги намунали оила» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоклари, аёл ҳарбийлар қатнашди.

Тадбирда мутахассислар томонидан оилани мустаҳкамлаш бўйича ўтказилаётган тадқиқотлар ҳақида маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Азизбек МУМИНОВ,
Республика ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ КЎЗЛАБ...

Тошкент вилояти прокуратурасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда Тошкент вилоятида жиноятчилик аҳоли, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят ва туман-шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг барча раҳбарлари, вилоят ҳокимияти, жиноят ва маъмурий ишлар бўйича вилоят суди, маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси, шунингдек, соҳага оид бошқа идоралар раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.



Туман (шаҳар) студияларидан туман ҳокимиятининг масъул ходимлари, барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, профилактика инспекторлари ҳамда бошқа идораларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда кенгаш раиси – вилоят прокурори С.Самадов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Йиғилишда суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қилинган ислоҳотлар ва давлат томонидан яратилган шароитлар таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда кузатилаётган айрим хато ва камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни ўз вақтида рўйхатга қўйиш, тезкор қидирув, суриштирув ва терговда йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида вилоят ИИББ бошлиғи Т.Арипов, ДХХ вилоят бошқармаси бошлиғи Н.Раҳимов, Миллий гвардия вилоят бошқармаси бошлиғи А.Мурадов, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Д.Таджибаев, вилоят маъмурий суди раиси М.Абабакиров ва вилоят ҳокими ўринбосари А.Нуралиев фаолият самарадорлигини ошириш бўйича фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура, ички ишлар органлари, вилоят халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, бандлик бош бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раҳбарларининг тушунтиришлари тингланиб, уларга аниқ вазифалар берилди.

Фуқароларнинг тинчлиги ва осойиштаглигини таъминлашда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш, давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида қўйган вазифаларни бажариш бўйича аниқ тадбирлар белгиланиб, қарор қабул қилинди.

Абдухамид КАМИЛОВ,
Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари



ФУҚАРОЛАРНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарорга асосан чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, номзодларга қўшин турларини танлаш имкониятини яратиш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш жараёнидаги бир-бирини такрорловчи тадбирларни истисно этиш мақсадида фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш тартибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Хусусан, Куролли кучларни ҳар томонлама етук чақирилувчилар билан бутлаш, уларнинг онгида миллий гуруҳ, она юртга садоқат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғусини кучайтириш, ҳарбий хизматга чақириш тизимини оптималлаштириш, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда бир-бирини такрорловчи босқичларни соддалаштириш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикни ҳарбий округ госпиталлари мутахассислари томонидан ўтказиш белгиланди.

Бундан буён мазкур қарор билан тасдиқланган «Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги низомга кўра ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлари чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақиришга умумий

рахбарлик қилади, шунингдек раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси, ҳудудий комиссия ва ҳудудий тиббий комиссияларнинг самарали фаолият юритиши учун шахсан масъулдир.

Энди ҳар йили туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги тиббий комиссиялар 15 февралдан 30 апрелгача, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги бутлаш комиссиялари 15 февралдан 30 апрелгача, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар йиғиш пунктларида ҳарбий тиббий комиссиялар 20 февралдан 30 апрелгача, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги раҳбарият кенгаши 20 февралдан 30 апрелгача, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар 1 мартдан 30 апрелгача фаолият юритади.

Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар аъзоларининг (контракт бўйича ҳарбий хизматчилар бундан мустасно) доимий иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи улар мазкур низомда белгиланган мажбуриятини бажарадиган бутун давр мобайнида сақлаб қолинади.

Бутлаш комиссияси, ҳарбий-тиббий комиссия ҳамда ҳудудий тиббий комиссия қарори ва ҳулосасидан норози бўлган чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари раҳбарият кенгашига, шунингдек белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Мазкур низом талабларини бузган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Баходир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари

МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Халқнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, қийналган дамларида ёрдам кўрсатиш орқали йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларга барҳам берилмоқда. Бу билан одамларнинг адолатга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаяпти.

Сирдарё вилояти прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳақидаги мурожаатларини кўриб чиқишда уларни жойида ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Сайхунобод туманида ўтказилган сайёр қабулда «Маҳалла» фонди ҳисобидан Т.Сафаровага даволаниш учун 84 млн. сўм, С.Курбоновага буйрак алмаштириш учун 70 млн. сўм пул ажратилишига ёрдам берилди.

367 млн. сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, мурожаатларга асосан Ғ.Кенжаева операция учун 20 млн. сўм, М.Исмаиловага эндопротез ускунаси учун 20 млн. сўм ва даволаниши учун ордер олиб берилди. М.Бекбўтаеванинг даволанишга муҳтожлиги ва ногиронлик белгиланишида ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати маҳалла фаоллари ва мутахассислар иштирокида ўрганилди. Унинг оилавий шароити оғирлиги аниқланиб, тиббий кўриқдан ўтказилди ва ногиронлик белгиланди.

Тумандаги яқка тартибда таълим олувчи 16 ўқувчига замонавий ўқув жиҳозлари олиб берилди, 4 нафарига тиббий йўлланма ажратилди, 10 ўқувчининг оиласига турли хил озиқ-овқатлар етказиб берилди ва 2 нафарининг қайта тиббий кўриқдан ўтказилиши таъминланди. Бундан ташқари, Ховос туманида яшовчи, 2005 йилда туғилган боксчи Д.Норкуловга Гулистон олимпия захиралари коллежига ўқишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Икки фуқарога бузилган уйлари учун қарийб 170 млн. сўм товон пули ундириб берилди.

Ховос туманидаги «Фарҳод», «Бобур» ва «Чамбил» сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда «Нуроний» жамғармаси мурожаатига асосан шу ҳудуддаги 10,8 км. узунликдаги М-3 канали ва насос станцияси қурилиши ўрганиб чиқилди. Мутасадди ташкилотлар томонидан қисқа муддатда 21,6 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиши таъминланди. Натижада Ховос, Боевут туманлари ва Ширин шаҳридаги 2300 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди.

Фуқароларнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар билан боғлиқ мурожаатлари ҳам ўз вақтида ўрганилаётипти. Уларнинг 367 млн. сўмлик иш ҳақи ундириб берилиб, 99 млн. сўмлик иш ҳақини ундириш ҳақида судларга даъво аризалари киритилди, 398 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Фуқаро С.Аллабердиеванинг мурожаатига асосан унинг уйи бошқа шахснинг

ноқонуний эгалигидан олиниб, унинг номига қонуний расмийлаштириб берилишида ёрдам кўрсатилди.

Худудлардаги қурилишлар кўзни қувонтиради, лекин шу жараёнда ҳам айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши кузатилмоқда. Масалан, М.Қораева ва Х.Холмуродова Гулистон шаҳрининг С.Алимов кўчасидаги бузилган уйлари учун товон пули берилмаганидан норози бўлиб шикоят ёзишган. Текшириш натижасига кўра «Universal tezkor servis» МЧЖ томонидан М.Қораевага 106,6 млн. сўм, Х.Холмуродовага 62,6 млн. сўм товон пули берилиши таъминланди.

Мурожаатларни текшириш жараёнида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш борасида 8 та тақдимнома киритилди, ноқонуний ҳужжатларга 111 та протест келтирилди, 27 кишига нисбатан интизомий, 32 нафарига маъмурий иш кўзғатилди. 1,4 млрд. сўмлик зарарни айбдорлар ўз хохиши билан тўлади, 1,2 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди ва жиддий қонунбузилишлар юзасидан 10 та жиноят иши кўзғатилди. Мисол учун, Сирдарё вилояти кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Хидиров фуқаро Х.Топшўлатовнинг фермер хўжалиги галла майдонини ўлчашда ва йиллик режага киритишда ёрдам бериши сўраб ёзган аризасини қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқмагани учун унга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзғатилди.

Шунингдек, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқмагани, юзаси ва сифатсиз текширгани учун «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонаси Сирдарё ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Бегимқулов, Сардоба тумани ҳокимининг ўринбосарлари И.Тожиёв, Х.Сарабеков, Ховос тумани ҳокимининг ўринбосарлари С.Бойназарова, Ж.Мансуровга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзғатилди.

Вилоят прокуратураси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятидаги «Халқ қабулхонаси» билан ҳамкорликда ҳафтада бир марта оммавий ва сайёр қабул, ҳафтада икки кун «Халқ қабулхонаси»да шахсий қабул ташкил этилгани, шунингдек, барча туман ва шаҳар прокурорлари ҳам шундай қабуллар ўтказаяётгани аксарият муаммоларни жойида ҳал этиш имконини бермоқда.

Равшан МАШАРИПОВ,
Сирдарё вилояти прокурори

АЛИМЕНТ ТУФАЙЛИ ОЛТИ ОЙ

Ичкиликбозлик инсонни таназулуга етаклаши барчамизга аён. Бироқ айримлар мана шу ҳақиқатни кўриб турса-да, тан олгиси келмайди. Энг ёмони, бундан нафақат ўзи, балки оиласи ҳам жабр кўради.

Ашур Эшназаров (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) икки марта уйланди. Аммо оила олдидаги масъулиятини сира ҳис қилмади. Илгари кишлоқдаги поликлиникада фельдшер бўлиб ишлар эди. Мунтазам ичкилик ичиб юриши оқибатида ишидан ҳам ҳайдалди. Аламини яна ичкиликдан олди. Рўзгор ташвишидан нолиган хотинини эса сархуш ҳолда дўппослайдиган бўлди.

Хотини Шодиҳол ҳам бу азобларга чидай олмай, икки кизалогини етаклаб, отасиникига кетди. Аммо ноқобил ота болаларига алимент тўлашга ярамади. Лекин тагин уйланиб олди. Яна фарзандли бўлди. Аммо...

Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг А.Эшназаровдан Ш.Элмуродовага воёга етмаган икки фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги буйруғига асосан давлат ижрочиси томонидан 2016 йил 16 августдан ижро иши юритилган.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Чирокчи туманлараро судининг буйруғига асосан А.Эшназаровдан иккинчи турмуш ўртоғи Гулноза Дўстовага воёга етмаган фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Ашур 2016 йил 1 августдан 2018 йил 19 октябрга қадар алиментни ўз вақтида тўламай келга-

ни сабабли суд қарорига асосан 15 сутка камалиб чиқди. Шундан сўнг ҳам икки ойдан ортик вақт давомида Ш.Элмуродовага 5368905 сўм алимент қарзини тўлашдан бўйин товлади.

Шунингдек, Ашур иккинчи турмуш ўртоғи Г.Дўстовага ҳам 2018 йил 1 мартдан 2019 йил 1 сентябрга қадар 7 056 359 сўм алимент қарзини тўлашга шойилмади...

Оқибатда яна суд олдида қилмишининг жавобини беришга тўғри келди.

Суд ҳукмига кўра Ашур Эшназаровга олти ой озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шу ўринда беихтиёр Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўн тўрт нафар турли миллат боласини бағрига босган Шомоҳмуродовлар оиласи хаёлигизга келди. Одамлар ўз боласига бир тишлан нон тополмай турган замонда шунча болани едириб-ичиришга қаердан куч-қудрат топди экан бу фидойи инсонлар? Шундай осойишта ва фаровон замонда Ашур Эшназаров ўзининг уч фарзанди таъминотидан бўйин товлаб, «ишдан кетган бўлсам, қаердан пул топаман?» қабилида елка қисиб туришини қандай изоҳлаш мумкин?!

Ботир МҲМИНОВ,
Миришкор тумани прокурорининг ўринбосари

FAOLIYAT

ТАШАББУСЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Тадбиркорлик фаолиятига бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши, ишбилармонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бермоқда. Қува туманида ҳам ташаббускор фуқаролар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини кенг йўлга қўйишга иштирокчи.

Фуқаролар билан муносабатларда уларнинг иш бошлаш, фаолиятини кенгайтириш борасидаги муаммоларини ҳал этиш учун ёрдам кўрсатишмоқда. Ўтган йили 215 нафар тадбиркор тилга олган муаммоларнинг вақт талаб қилаётганларини йўл харитасига киритилди, 193 таси тезлик билан ҳал қилинди. Шу жумладан, 52 та тадбиркорга 220 млн. сўм кредит, 6 нафарига 5 гектар ер, 4 нафарига бино ажратилиши таъминланди. Бундан ташқари электр, табиий газ ва сув таъминоти бўйича муаммолари ҳал қилинишида, лицензия ва рухсатнома олишида ҳамда бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Қува туманида «Мед доктор Арслонов» хусусий клиникаси ташкил этилиши учун 3 млрд. сўм кредит ажратилди. Кўрсатилган ёрдам натижасида 107 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 350 та иш ўрни яратилди.

Бўш турган бино ва иншоотларнинг 10 таси

ишга туширилди. Уларда 62 киши ишли бўлди. 5 та объект эгаларига 8 млрд. 800 млн. сўм кредит берилди. Масалан, «MGM tekst» МЧЖ 4 млрд. сўм инвестиция киритган қорхонада 190 та иш ўрни яратилиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, прокуратура аралашуви билан 15 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланиб, 120 та иш ўрни сақлаб қолинди.

Туман иктисодиётига инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Ўтган йилнинг январь-апрель ойида 3 млн. 700 минг АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция киритилди. Хусусан, 2-секторда 1 млн. доллар инвестиция жалб этилиб темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Roze Marine» қўшма қорхонаси ташкил қилинди.

Туман прокуратураси тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, ташаббусларини рўёбга чиқаришда давом этмоқда.

Нодирбек МИРЗАРАҲИМОВ,
Қува тумани прокурорининг ўринбосари



МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда Хоразм вилояти прокурорлари сектори 131 та фуқаролар йиғинини қамраб олган. Худуддаги 84495 та хонадонда 473876 киши истиқомат қилади.

2019 йилда уйма-уй юриш давомида аниқланган 6172 та муаммо бартараф этилган. Хусусан, Ғурлан тумани «Нурафшон» МФЙ Туркистон кўчаси 56-уйда яшовчи Ю.Аллабергановнинг уйини таъмирлашга қўмақлашилган ҳамда «Маърифат» МФЙ Муқимий кўчаси 10-уйда яшовчи Э.Йўлдошевга ун ва мой берилиб, даволаниши учун тиббиёт ходимлари бириктирилган.

Урганч шаҳар Нажмиддин Кубро кўчаси 17/7-уй 4-хонадонда яшайдиган М.Аллабергановага ногиронлик аравачаси ва бепул дори-дармон берилган.

Хонқа тумани Таянч ва Мошқўғай маҳаллалари аҳолиси 2019 йил 15 ноябрь куни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган.

Шу билан бирга, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган 2407 та муаммо бартараф этилган. Масалан, Боғот тумани «Хунарманд» МФЙ худудидан ўтган Урганч – Хонқа – Ҳазорасп йўлидаги эскирган кўприк тўлиқ таъмирланди.

Кўшкўпир туманидаги «Незахос» МФЙ Магонат кўчаси асфальтланди, «Ўртақишлоқ» МФЙ Настарин кўчасига шағал тўшалди. Ҳазорасп тумани Овшар кишлоғи Файзобод кўчасида 220 метр тоза сув қувури ўтказилди.

Секторларда Президентнинг бешта ташаббусини рўёбга чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Хива туманидаги Шомоҳмурод маҳалласида жойлашган 5-мактаб биноси олдида китоб дўкони ҳамда мактабнинг бўш турган ерида сунъий қопламдан футбол майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ушбу маҳалладаги эски машина-трактор парки худудига «СағреЦх» МЧЖ томонидан ип ишлаб чиқиш йўлга қўйилган бўлиб, аёлларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Бундай ижобий ишларни вилоятнинг бошқа худудларида ҳам кузатиш мумкин.

Сабридин ШАМСИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

JINOYAT VA JAZO

МИЖОЗНИ АЛДАГАН БАНКИРЛАР

«Микрокредитбанк»нинг Бухоро вилояти минтақавий филиали амалиёт бўлими бошлиғи Ш.Бозоров бўлим бош ҳисобчиси Ш.Ҳожиёв билан жиноий тил бириктириб, мансабини суниестемол қилишига нафсининг ақдан устун келиши сабаб бўлди. Улар банк мижози ҳисобланган «Азия Олот қурилиш» МЧЖнинг жуда кўп миқдордаги пулини ўзлаштириш йўлини топишди. Жамият мансабдорларининг рухсатсиз, компьютердан фойдаланилган ҳолда банк ҳисобхонасидаги ЯАБС бухгалтерия дастури орқали Ш.Ҳожиёвга тегишли логин-паролдан фойдаланиб сохта тўлов топшириқлари тузишди. 2019 йил 27 февралдаги тўлов топшириғи асосида «Нажмиддин Раҳимович» дехкон хўжалигининг 3,8 миллион, 28 февралдаги тўлов топ-

шириғи асосида «Солиева Ойгул Шарофовна» ЯТТнинг 16 миллион сўм, «Атоев Рашид Нарзуллоевич» ЯТТнинг 16 миллион сўмлик, «Шибиргон техник» МЧЖнинг 50 миллион сўмлик кредит қарзини тўлаш мақсадида уларнинг ҳисобрақамига «Азия Олот қурилиш»нинг пулини қўчириб беришди.

Шундан сўнг ноқонуний қилмишларига қонуний тус бериш мақсадида юқорида номлари келтирилган қорхоналар раҳбарлари билан жиноий тил бириктириб, молиявий ёрдам бериш тўғрисида улар номидан «Азия Олот қурилиш» билан сохта шартномалар тузишди. Бир хато бошқасини етаклаб келди. «Азия Олот қурилиш» МЧЖ раҳбари шартномаларга имзо чекмаган бўлса-да, ёрдам олган қорхона раҳбарлари ва



иш юритувчиларига имзолатиб, муҳр билан тасдиқлаштиди.

Суд жиноятчиларнинг қилмишини қонун доирасида баҳолади. Ш.Бозоров ҳамда Ш.Ҳожиёвга ойлик маошининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Масъул раҳбар бўлиб туриб, банк мижозларининг ишончини суниестемол қилган банкирларга халқ энди қандай ишонади?!

Искандар АЛИМОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори



ЕР - ДАВЛАТ МУЛКИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида бўлиши қайд этилган. Бухоро вилоятидаги 3384200 гектар ернинг 199100 гектари суғориладиган ерлар тоифасига киради. Унинг 186200 гектари 4836 та фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага берилган.

Вилоят прокуратураси органлари маҳаллий ҳокимликлар, соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда ерларни ҳатловдан ўтказди. Бу жараёнда аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш бўйича прокурор назорати тадбирлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача 373

107 та ноқонуний қурилиш бузилган.

та ҳолатда 98,3 гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани, 943 та ҳолатда 92,26 гектар ерда ноқонуний қурилиш қилингани, 8 та ҳолатда 14,1 гектар ер ноқонуний ажратилгани аниқланди.

304 та ҳолатда ўзбошимчалик билан эгалланган ерлар қайтарилиб, 107

та ноқонуний қурилиш бузилган. Судларга жами 841 та, шундан маҳаллий ҳокимликлар томонидан 643 та, прокурорлар томонидан 144 та даъво аризаси киритилди. Шунингдек, аризаларни сайёр судда кўришга асосий эътибор қаратилиб, 66 таси қаноатлантирилди.

Прокуратура органлари томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш ҳақидаги гайриқонуний қарорларини бекор қилиш ҳақида 8 та протест келтирилиб, 5 та жиноят иши кўзгатилиди.

Хусусан, Когон туманидаги «Когон Тилав Кенжа» фермер хўжалиги раҳбари Ахмад Кенжаев ва иш юритувчиси Чори Элов жиноий тил бириктириб, хўжалик ҳисобидаги 0,15 гектар ерни уй қуриш учун фуқаро Н.Кудратовга

14 млн. сўмга сотиб юборган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Ердан самарали фойдаланилишини назорат қилувчи кадастр хизмати ходимларининг ўзи ерни талон-торож қилганини қандай изоҳлаш мумкин?! Мисол учун, «Ермулккадастр» Ёғдудов филиалининг бошлиғи Бахтиёр Амонов ва бош муҳандиси Собир Ҳафизов «Ражаб Турди Омад» фермер

Бухоро тумани ишчи комиссияси, туман ер ресурслари хизмати ва қурилиш бўлими, Бухоро шахридаги «Лоша» МФЙ мансабдорларининг қонунга зид ҳаракатлари оқибатида Бухоро тумани ҳокимининг қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилгани аниқланди. Протест асосида мазкур қарор бекор қилиниши билан бирга ҳолат юзасидан 2020 йил 27 январда жиноят иши кўзгатилиди.

Ерга оид қонунбузилишларни бар-

Оқсоқол, депутат ва фаоллардан иборат жамоатчилик гуруҳи ерларни ноқонуний эгаллашнинг оқибати ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда.

хўжалигининг 1,05 гектар ерини фуқаро У.Сафаровга ноқонуний равишда расмийлаштириб бергани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, ўзбошимчалик билан қурилган уйларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш жараёнида ҳам қонун бузилгани ачинарли ҳол. Масалан, Бухоро тумани Ёғдашт худуди экинзорининг 0,13 гектарига фуқаро С.Ҳамроев ушбу фармон қабул қилинганидан кейин уй қурган бўлса-да,

тариф қилишни жонлантириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда 20 нафар обрўли оқсоқоллар, депутатлар ва фаоллардан иборат жамоатчилик гуруҳи ташкил этилиб, алоҳида автобус бириктириб берилди. Улар қонунбузарлар билан учрашиб, тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Қаҳрамон САЛОМОВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим прокурори

2020 йилнинг 1 февраль куни Бош прокуратурада бўлиб ўтган йиғилишда ердан ноқонуний фойдаланиш ва уни ўзбошимчалик билан эгаллашга ҳамда кадастр билан боғлиқ жиноятларга барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва Дунинг худудий бўлимлари ўтказган тезкор тадбирлар натижасида сўнгги икки йилда ер сотиш ва талон-торож қилиш билан боғлиқ 20 та жиноят иши кўзгатилиб, 20 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Масалан, ўтган йилларда фуқароларга ер ажратиш эвазига Урганч тумани ҳокими ўринбосари 5 млн. сўм, Хива шаҳар ҳокими ўринбосари 2 минг АҚШ доллари пора олгани учун жавобгар бўлган. Яна бир мисол, урганчлик фуқаро Р.И. Қипчоқ маҳалласида ерлар аукцион орқали сотилишини айтиб фуқаро У.А.ни алдайди. Кейин шу худуддан уй қуриш учун ер олиб беришни ваъда қилиб, ўтказилган аукционда ер участкасини унинг фойдасига ютиб олганини билдиради.

Пировадиди у 38 миллион сўм пулни фирибгарлик билан қўлга киритаётган вақтида ушланди.

Шунингдек, Хонқа тумани Қирқёп кишлоғи Пахтакор маҳалласида яшовчи С.Н. ноқонуний равишда эгаллаб, фойдаланиб келаётган 0,12 га ерни сотиш пайига тушади. У бу ерни ўзиники сифатида кўрсатиб, фуқаро Ш.М.нинг ишончига киради. Сўнг унга уй қуриш учун ер участкаси сифатида туман кадастр бўлимидаги танишлари орқали расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, ерни 168 млн. сўмга сотишга келишади. У келишилган пулдан 100 млн. сўмини олаётган вақтда ушланди.

«Хайрли иш» ниқоби остида ноқонуний бойлик орттиришни кўзлаган урганчлик Х.Н.нинг фириби ҳам департамент ходимлари томонидан фош этилди. Урганч тумани Чўлобод маҳалласида яшовчи Х.Н. ҳамкишлоғи Н.Ё. уй сотиб олмақчилигидан хабар топади. Унга ўзини Урганч туманида имтиёзли нархларда қурилаётган кўп қаватли уйлардан сотиб олиб бериш имкониятига эга шахс сифатида кўрсатади. 2019 йил март ойининг бошида Х.Н. Н.Ё.га уй сотиб олиб беришни ваъда қилиб, эвазига дастлаб 5 млн. сўм, кейинчалик март ойининг охирида 13 млн. сўм пулни фирибгарлик билан олиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

«Еб тўймаган ялаб тўймас» деганларидек, Х.Н.

жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Чўлобод маҳалласида яшовчи Д.К.га Урганч туманидаги бўш ерларни кўрсатиб, унинг муайян қисми ўзига тегишли эканлигига ишонтиради. Шу тариқа бу ерни сотиш эвазига 2019 йилнинг июнь ойида 5000 долларни қўлга киритади ва пулни ишлатиб юборишга ҳам улгуради.

2020 йилда ҳам бу соҳада яна бир жиноят фош этилди. Департаментнинг Ҳазорасп тумани бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг Ҳазорасп тумани филиали мутахассиси шу туманда яшовчи фуқародан унинг эски уйига кадастр йиғмажилдини тайёрлаб, танишлари орқали туман ҳокимининг кўчмас мулкка эгалик қилиш тўғрисидаги қарорини чиқартириб бериш эвазига 1000 доллар олган вақтида ушланди.

Биз бу мисолларни бежиз келтирмадик. Ноқонуний даромад орттиришни кўзлаб қингир йўлга кирган ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатлари узоққа чўзилмади, албатта. Уларга нисбатан жиноят ишлари кўзгатилиб, қонун доирасида ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилади.

Жаҳонгир САПАЕВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

АЗАЛ КЎКЛАМ ЧОҒИ ЯРАЛГАН ОЛАМ...

Наврўз! Бу сўзни эшитганда вужудингизга кўклам қуёши тафтига хос илиқлик, ёшликка хос куч-қувват югуради, дилингизда янги-янги орзулар жўш уради. Ана шундай умидбахш, сурурли айём бу.

Баҳор уни соғинган қалблардан бошланади. Бутун борликда ажиб бир уйғониш, ўзгариш, янгилиниш ҳукм суради бу фаслда. Осмон гоҳ сурмаранг, қорамтир булутлар билан қопланади, гоҳ парча-парча оқ булутлар билан безанади, гоҳида кўм-кўк шохига ўралади. Офтоб тафтига муҳтож мавжудот борки, унинг ҳаёт-бахш нурларига интилади, қуёш эса ҳеч бир жонзотдан меҳрини даринг тутмайди. Кўкламнинг илиқ эпкинлари дов-дарактларни уйғотиб юборади, новдаларда қурткалар кикирлаб қулади. Қушларнинг тилида кўклам кўшиги, Атрофга боқиб кўзингиз қунайди, дилингиз яйрайди. Баҳор ана шундай фасл! Наврўз эса бу мафтун-қор фаслнинг энг гўзал айёмидир.

Наврўз! Нақадар жозибали сўз бу. Кўкламнинг турфа рангдаги гуллариди, юксак тоғларимиздан тушиб келаётган ирмоқларда Наврўз кўшиги, баҳор ифори. Наврўз фақат бизнинг байрамимизгина эмас, у фаҳримиз, ғуруримиз ҳамдир. Ҳар баҳорда ўзлимизни кайта англагандай бўламиз. Уни неча бўронлардан, талатўплардан худди халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати

сингари олиб чиқолганимиздан кўнглимиз тоғдай кўтарилади.

Наврўз мазмуни энг қадимий ва умрбоқий байрамлардан биридир. Унинг пайдо бўлиши ҳақида турли тарихий манба ва ривоятлар бор. Баъзи манбаларда Наврўз тўрт ярим минг йиллик тарихга эга дейилса, айримларида уч минг йиллик тарихий жараёнлардаги воқеа-ҳодиса, қадрият ва анъаналарни ўзида мужассам этгани қайд этилади. Археологик тадқиқотларда эса Наврўзга оид маросимларнинг шаклланиши етти-саккиз минг йиллик тарихга эгаллиги айтилган.

Наврўз ҳақидаги ривоятлар ҳам унинг қадимийлигига ишора қилади. Чунончи, Наврўз Одам Ато ва Момо Ҳаво топилган, Нух алайҳиссалом тўфондан омон қолиб, қирғоққа қадам қўйган, афсонавий подшо Жамшид тахтга чиққан кун, Берунийнинг таъкидлашича эса фаришталар яралган кундир. Бу ривоятлар замирида халқнинг Наврўзга бўлган бекиёс эътибори ва ҳурмати ўз аксини топган. Шунинг учун бу кунда халқимизнинг гўзалликка, яратувчиликка интилиши янада кучаяди.

Нима бўлганда ҳам Наврўз инсоният тарихидаги энг қадимий, оммавий ва умумбашарий қадриятларга эга байрамлардан бири, инсон ва табиат уйғунлигини



кўрсатувчи айёмдир. Шу боис Абу Райҳон Беруний «Наврўз оламнинг бошланишидир» деса, юнон файласуфи Эпикур «Олам қачон пайдо бўлганидан қатъи назар, баҳор кезларида яралганига шубҳа йўқ. Айни баҳорда ҳамма нарса қуртак очиб, гуллайди ва мева тугади» дейди. Ҳақиқатан ҳам бу фаслда табиатда, инсон руҳиятида янгилиниш рўй беради.

Наврўзнинг муҳим жихатларидан бири байрам арафасида ҳамма жойда орасталлик, ободончиликка алоҳида эътибор қаратилганидир. Бу байрам олдидаги ҳашар уюштирилиб, ариқлар тозаланган, даракт ва гул кўчатлари ўтказилган, қабристонлар ободонлаштирилган, ерлар экин экишга тайёрланган, етим-есир ва бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олинган. Наврўз шарафига катта сайил ўтказилиб, муҳтожларга хайру эҳсонлар қилинган.

Наврўз асрлар давомида бир неча марта қатагонга учради. Айрим ҳукмдорлар Наврўзни йўқ қилишга, уни халқ хотирасидан ўчиришга уриндилар. Бироқ халқимиз ўзининг кўҳна байрамини унутмади. Ўзбекистон Президентининг 1990 йил 3 майдаги фармонида кўра 21

март юртимизда Наврўз – умумхалқ байрами ва дам олиш кунини деб эълон қилиниши халқимизнинг зулматда қолган қадриятлари қайта тикланишига замин бўлиб, кўнгиллarga баҳорий илиқлик олиб келди.

Наврўз миллий анъаналаримизни намойиш этувчи кўзгудир. Бунинг исботи тарихида Наврўз удувлари – аркон тортиш, чиллак, полвонлар беллашуви сингари азалий ўйинларни кўрсатиш мумкин.

Бугунги ислохотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажатимиз эгалари бўлмиш ёшлар учун яратилган шароит, аҳоли саломатлигини асраш тарихида қилинаётган ишлар – буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидан. Наврўз байрамининг бугунги жозибаси ва шуқухи ҳам, шубҳасиз, истиклол туфайлидир.

Наврўз таровати бутун юрт узра, қалблардан-қалбларга кўчиб юрaverади.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нuruq»

JARAYON

ФАОЛ ВА БАРКАМОЛ ТАЛАБАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган бешта муҳим ташаббус – ёшларни маданият ва салғат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, компьютер технологияларидан фойдаланиш, китобхонликни тарғиб этиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Фарғона вилояти прокуратураси эътиборга молик ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, вилоят прокуратураси соврини учун олий ўқув юрларининг талабалари ўртасида волейбол, минифутбол ва стол тенниси бўйича мусобақа ўтказилди. 160 нафар талаба, шу жумладан қизлар қизгин баҳсларда ўз маҳоратини намойиш этишди.

Ўнта жамоа қатнашган волейбол мусобақасида Фарғона давлат университети биринчи ўринни, Қўқон давлат педагогика институти ҳамда Фарғона политехника институти иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритди. Минифутбол мусобақасида



бешта жамоа орасида Қўқон давлат педагогика институти талабалари ғолиб бўлди. Иккинчи ўринни Фарғона давлат университети, учинчи ўринни политехника институти талабалари эгаллади. Стол тенниси бўйича Фарғона политехника институти талабалари биринчи ва иккинчи ўринга, Қўқон давлат педагогика институти талабалари учинчи ўринга сазовор бўлди. Қизлар ўртасида стол тенниси баҳсларида Фарғона давлат университети биринчи, Қўқон давлат педагогика институти иккинчи, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали талабалари учинчи ўринни эгаллади.

Умумий ҳисобда жами 25 очко билан Фарғона давлат университети биринчи, 20 очко билан Қўқон давлат педагогика институти иккинчи, 14 очко билан Фарғона политехника институти учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилояти прокурорининг
катта ёрдამчиси

ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Жиззах ҳарбий ва вилоят прокуратураси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Фориш туманидаги Хонбанди шаҳарчасида жойлашган маданият марказида ўқувчилар иштирокида прокурор ва ёшлар учрашуви ташкил этилди.

Тадбир Жиззах гарнизони маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестрининг куй-кўшиқлари билан бошланди. Шаҳарчада ёшлар учун «Китоблар дунёси» марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Учрашувда ёшларга ҳарбий хизматчиларнинг чиқишлари намойиш этилди. Талбир очик мулоқот тарзида ўтказилиб, ўқувчилар баён этган муаммолар жойида хал этилди.

Учрашувнинг иккинчи қисмида ўқувчилар ўртасида шашка, шахмат ва кураш бўйича мусобақалар ташкил этилди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва совғалари топширилди.

Шунингдек, Хонбанди шаҳарчасида истиқомат қилаётган, 1996 йилда туғилган, имконияти чекланган Мухриддин Устенировнинг хонадонига борилиб, ёрдэм кўрсатиш мақсадида у ва унинг ишсиз турмуш ўртоғи Меҳринисо Шодмонова Жиззах ҳарбий прокурори томонидан оталикка олинди.

Оттабек ҲАЙДАРОВ,
Жиззах ҳарбий прокурори



Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами муносабати билан мулкчилик шаклидан ва ҳафталик иш кунлари сонидан қатъи назар барча ходимлар кетма-кет уч кун дам олишади.

Прокуратура фахрийси Арсланбек Халмухамедовнинг айтишича, мазкур соҳани танлашга отасининг таъсири кучли бўлган. Фидокорона ва ҳалол меҳнати туфайли хизмат пиллапояларидан тез кўтарилган Мариф Халмухамедов 31 ёшида Бухоро вилояти прокурорлигига тайинланади. Орадан 7 йил ўтиб, 1963 йилда эса 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси унвони билан тақдирланади. Мариф акани генерал мундирида кўргандаёқ 11 ёшли Арсланбекда отасининг касбига меҳр уйғонади ва у отасининг изидан боришга қарор қилади. Арсланбек Халмухамедовнинг прокуратура органларидаги 50 йиллик фаолиятидан 42 йили айнан терговчилик билан боғлиқ. Ўтган даврда юзлаб жиноят ишлари унинг қўлидан ўтди. Таъкидлаш лозимки, уларнинг орасида барча айбланувчиларнинг айби тўлиқ исботланганидан ташқари, айбсизлиги аниқланиб, жиноят иши тугатилганлари ҳам бор.



А.Халмухамедовнинг набираси Бехруз ҳам болалари каби ҳуқуқшунос бўлишни ниёт қилган.

«ВИЖДОНИМГА ҚАРШИ БОРОЛМАЙМАН!»

1983 йил 13 декабрь Зухра опа Зияеванинг бир умр ёдида қолган. Ўша пайтда Собир Раҳимов (ҳозирги Олмазор) тумани ижроия кўмитасида уй-жой бўлими бошлиғи лавозимида эндигина иш бошлаган, қолаверса, КПСС аъзоси бўлган Зухра Зияеванинг кабинетига дабдуростдан ички ишлар ходимлари ҳолислар иштрокида бостириб кириб, тинтув ўтказди. Ҳеч нарса топилмагач, уйда тинтув ўтказилади. Яна ўша ахвол... Опанинг хуши оғиб қолар даражада, нима учун бундай бўлаётганини умуман тушунмайди, саволларига эса жавоб беришмайди...

Ва ниҳоят уни ички ишлар бошқармасига олиб келиб, бу ишларнинг сабабини айтишганда кўз олди қоронғулашиб кетди. Нима эмиш, у квартира олиб бераман деб фуқаролардан пул олган эмиш! Бундай ишлар етти ухлаб тушига ҳам кирмаганини, ҳеч кимдан пул олмаганини, уйда ёш боласи қолганини айтиб ёлворса-да, ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмади. Бир маҳал терговчининг хонасига бир аёлни бошлаб киришди. У ҳеч иккиланмай тўғри келиб Зухра опани кўрсатди ва «Бу киши Зухра Зияева, бизнинг хўжайинимиз!» деди баланд овоз билан. Сўнг кўзига бақрайиб туриб, Зияева билан Тошкент шаҳар ижроия кўмитасида танишгани, у квартира оломкчи бўлган, пули бор фуқароларни топишни тақлиф қилгани, шу йўл билан анча-мунча пул ишлаб олиш мумкинлигини айтиб, йўлдан урганини бирма-бир сўзлаб берди. Умрида кўрмаган, билмаган одам сени жиний гуруҳимиз раҳбари деб атаб, пул олиб келиб берганини айтиб тухмат қилса, бундан ортик бододлик бўлмаса керак! Додингни кимга айтишни ҳам билмай қолар экансан!

Шукурки, кўп ўтмай уйига жавоб беришди. Аммо ўша пайтдан бошлаб тез-тез терговга чақиришни бошлашди. Гоҳида 72 соатлаб олиб қолишар ва бир

нима деса, «конун бўйича иш юрятаймиз!» дея ўзларини оқлашарди.

Ваҳоланки, ўша пайтда Зияевани раҳбаримиз деб атаган Мухаббат Муҳамеджанованинг уйидан «алоҳида назорат» муҳри, квартираларнинг бир нечта ордери ҳамда турли ҳужжатлар топилган эди. Аммо тергов органлари бу ҳолатга аҳамият бермай, унинг гапларигагина ишонилар, топилган ашёвий далилларнинг Зияевага алоқаси йўқлигини билдишса-да, бунга кўз юмиб, қандай бўлмасин ишни тезроқ судга ошириш пайига тушишган эди. Бунинг сабаби айтиш ўша пайтда юртимизда Москвадан келган «десант»чилар фаолият юртишар, пойтахт ижроия кўмитасидаги мансабдорларнинг пора билан кўлга олингани эса улар учун «пахта иши»дан ташқари, Ўзбекистонда порахўрлик ҳам авж олганининг «исботи» эди.

Орадан салкам 5 йил ўтди. Пуфак қанчалик шиширилмасин, барибир ёрилганидек, мазкур жиноят иши ҳам ҳар қанча ҳаракат қилинмасин, Зияеванинг айби тўлиқ исботланмагани сабабли суддан терговга бир неча марта қайтарилди.

Ва ниҳоят мазкур иш Тошкент шаҳар прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи бўлиб фаолият юротаётган Арсланбек Халмухамедовга топширилди. А.Халмухамедов шу пайтгача тергов қилган бирорта жиноят иши суддан қайтмагани сабабли раҳбарият унга бу ишда қандай бўлмасин ютиб чиқиш ҳақида топшириқ ҳам беради.

А.Халмухамедов айбланувчилар билан суҳбатлашишдан олдин ишни батафсил ўрганиб чиқди. Жиноят ишидан маълум бўлишича, 1983 йилда пойтахтдан уй олиб беришни ваъда қилиб, содда одамларни чув туширган фарибгарлар гуруҳи фаолият юритган бўлиб, уларга Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси уй-жойни ҳисобга олиш ва тақсимлаш

бошқармаси назорат бўлими катта инспектори З.Зияева бошчилик қилган экан. Шунингдек, жиний гуруҳ аъзолари квартира талабгорларидан умумий ҳисобда 244550 сўм олиб, 124750 сўмини З.Зияевага пора тарикасида беришган. Ўша пайт учун бу катта пул бўлган.

А.Халмухамедов айбланувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашди. Уни биринчи навбатда ўйлантирган ҳолат З.Зияевани айблаш учун жабрланувчиларнинг кўрсатмаларидан бошқа ҳеч қандай асос йўқлиги эди. Шунингдек, суд-техник экспертизаси бирорта ҳам ҳужжат З.Зияева томонидан имзоланмаганини тасдиқлаб берган бўлиб, ушбу ҳолатга ҳам аҳамият берилмаган. Бундан ташқари, агар З.Зияева улардан шунча пулни олиб, ваъдасини бажармаган бўлса, яъни ҳеч қимга уй олиб бермаган бўлса, салкам 5 йил мобайнида жабрланувчилар нима учун бу ҳақда тегишли органларга хабар беришмаган, унга берган пулни талаб қилишмаган? Қолаверса, 1,5 йилдан бери тергов изоляториде сақланаётган З.Зияева ҳақиқатан ҳам айбдор бўлса, қийналиб кетганидан кейин айбини бўйича олиши керак эди-ку!

Буни қарангки, терговчининг шу маънодаги саволларидан кейин М.Муҳамеджанова тўсатдан айбига иқдор бўлди. Ким билсин, айбсиз одамга тухмат қилишга охири виждони йўл қўймаганими ёки қутилмаган бу савол ўзини боши берк қўчага тикиб қўйишни сездими, ҳуллас, ҳаммасини айтиб берди. Маълум бўлишича, фарибгарликда шайтонга ҳам дарс берадиган бу аёл ёнига ўзига ўхшаган товламачи аёлларни тўплайди ва квартира олиб бериш мумкинлигини айтиб, гап таркатади. Ижроия кўмида З.Зияева исм-фамилияли ходим борлигини билгач эса квартира талабдагилардан ижроия кўмитаси олдида пул олиб, ичкарига кириб кетади. Ўзини худди З.Зияевага учрашиб, пулни унга

бергандек қилиб кўрсатади.

Шу ўринда юқорида А.Халмухамедов унга берган саволга қайтсак: дарҳақиқат, нима учун квартира учун пул бериб, кейин қўйиб қолганлар ҳеч қасрга мурожаат қилишмаган? Аниқланишича, М.Муҳамеджанова ушбу ҳолатда чинозлик Аҳмадбойга ўхшаб йўл тугган, яъни кейинги миждондан олган пулни иш битмади дея олдинроқ пул берганларга қайтариб берган экан...

Барча ҳолатларга аниқлик киритилгандан сўнг 1987 йил 25 февралда А.Халмухамедов мазкур жиноят ишининг З.Зияевага тегишли қисмини унинг айби исботланмагани сабабли тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Аммо ҳақиқат қарор тоғди дейишга эрта экан. Шундан кейин А.Халмухамедовга нисбатан турли тазйиқлар бошланади. Буниси энди алоҳида мавзу...

Арсланбек Халмухамедов билан суҳбатлашар эканмиз, нима учун бошқаларнинг фикрини қувватламагани, раҳбариятнинг топширигини ҳам бажармагани ҳақида сўраганимизда, у шундай жавоб берди: «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс қасамёд қилиши белгиланган. Унга кўра ходим хизмат вазибаларини виждонан бажаришга, конун бузилишига қарши мурасасиз курашишга, фуқаро, жағият ва давлат манфаатларини химоя қилишга қасамёд қилади. Мен ҳам қасамимга содиқ қолиб, хизмат вазиламни ҳалол ва виждонан бажаришга, фуқаро манфаатини химоя қилишга ҳаракат қилдим, ҳолос».

Гофуржон АЛИМОВ,
«Низуқ»

УРУШ ФАХРИЙЛАРИ – ҚАЛБИМИЗДА, ЭЪТИБОРИМИЗДА

Нукус харбий прокуратураси ходимлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ халқаро аэропортларда хавфсизлиқни таъминлаш кўшинларига қарашли харбий қисмлар билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Нукус туманида яшаётган Қодирбой ота Нормановнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида унинг хонадонига бориб, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги байрами билан табриклаб, совғалар топширди.

Шунингдек, Гулистон харбий прокуратураси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бошқармаси, вилоят Қўриқлаш бошқармаси, Янгийер шаҳри ҳокимлиги, маданият бў-

лими ва шаҳар Рус маданияти маркази жамоаси билан ҳамкорликда Янгийер шаҳрида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Алексей Семёновни йўқлаб боришди. Ташриф давомида А.Семёнов урушнинг янгилик оқибатлари ҳақида сўзлаб берди. А.Семёновга совғалар топширилди, шифокорлар унинг соғлигини текшириб, керакли муолажаларни қилишди.

Бундан ташқари Тошкент харбий прокуратураси ходимлари Мудофаа вазирлиги харбий қисмлари, Чиноз тумани мудофаа ишлари бўлими, маҳалла оксоқоллари билан бирга урушда қаҳрамонлик кўрсатган Оруш ота Тургунов ва Йўлдош ота Нормановнинг хонадонларига боришди. Марокли суҳбат бўлди. Ташриф сўнгиде



уларга Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги байрами муносабати билан совғалар топширилди.

Бу каби тадбирлар давом этмоқда.

Шавкат РАЖАБОВ,
Республика харбий прокурорининг ёрдамчиси

Прописка тартиби соддалаштирилиб, ҳисобга олиш тартиби жорий қилинади. Бу ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасида қайд этилган.



ҲИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Бош прокуратура томонидан оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни арзон уйлар билан таъминлашга оид қонунчилик ижроси таҳлил қилинди.

Аниқланишича, 2019 йилда уй олиш учун мурожаат қилган 8716 нафар хотин-қизнинг 7140 тасига рад жавоби берилиб, уйга мухтожлар рўйхатига киритилган 1576 нафар хотин-қизнинг 1492 таси ёки 94 фоизига уй сотиб олиши учун 25,8 млрд. сўм бошлангич бадал Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан тўлаб берилган. Хусусан, Қорақалпоғистонда 91, Андижонда 132, Бухорода 88, Жиззахда 110, Қашқадарёда 110, Навоийда 54, Наманганда 92, Самарқандда 120, Сурхондарёда 110, Сирдарёда 90, Тошкент вилоятида 180, Фарғонада 154, Хоразмда 95 ва Тошкент шаҳрида 66 нафар аёлга ажратилган арзон уйнинг бошлангич бадали тўланган.

Хотин-қизларга уй сотиб олиши учун 25,8 млрд. сўм бошлангич бадал тўлаб берилган.

Таҳлиллар туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги уйга мухтож талабгорларни танлаш комиссиялари фаолияти тўғри ташкил этилмагани, юкланган вазифалар тўлиқ бажарилмаётгани, ҳақиқатдан мухтож аёлларни уй билан таъминлаш аҳоли коникерсиз эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, айрим ҳудудларда арзон уйлар қурилмагани оқибатида уйга мухтож сифатида рўйхатга киритилган аёлларнинг 84 нафари, шундан Қорақалпоғистонда 47, Навоийда 22, Сирдарёда 8, Бухорода 4, Сурхондарёда 2 ва Хоразмда 1 нафари уй олмаган. Масалан, Нукус, Тахтақўпир, Шуманай, Кони-мех ва Зарафшон туманларида яшовчи мухтож аёлларнинг бирортасига ҳам уй берилмаган.

Республика бўйича 100 дан ортиқ ҳолатда ночор хотин-қизлар ўрнига мухтож бўлмаган аёлларга уй ажратиб берилган. Мисол учун, Наманган туманида 51 нафар ночор аёл уй учун навбат кутиб турган бўлса-да, туман хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси С.Б. уйга мухтож бўлмаган онаси Ж.Б.га қўп қаватли уйдан икки хонали хонадон ажратилишига эришган. Мазкур ҳолат юзасидан Наманган туман прокуратураси томонидан туман ҳокимининг ўринбосари Т.С. ҳамда кўмита мутахассиси С.Б. интизомий жавобгарликка тортилиб, Ж.Б.га ажратилган хонадон 1-гурӯх ногирони

Ю.Боқиевага берилиши таъминланган. Шеробод тумани хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Н.А. ижтимоий ҳимояга мухтож Д.Б.дан уй ажратиш эвазига 7 млн. сўм пора олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳукумат қарорига асосан 2020 йилнинг 20 мартига қадар 1576 нафар уйга мухтож аёлларнинг рўйхати шакллантирилиши лозим бўлса-да, фақат 1116 нафар аёлнинг рўйхати тузилган.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5938-фармонига асосан хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногирон аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатилиши устидан доимий назорат ўрнатиш; оғир ижтимоий вазиятдаги ва банд бўлмаган хотин-қизларни иш билан таъминлаш

100 дан ортиқ ҳолатда ночор хотин-қизлар ўрнига мухтож бўлмаган аёлларга уй ажратиб берилган.

учун уларга «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Yoshlar – kelajagimiz» дастурлари асосида имтиёзли кредит ажратилишига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтириш; ҳудудий комиссиялар аъзолари ўртасида уйга мухтож талабгорларни танлаб олиш ва уларга ёзма тавсия беришда қонун бузилишига йўл қўймаслик бўйича профилактик тадбирларни ўтказиш; уй ажратиш жараёнидаги қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаб, айбдорларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чораларни қўллаш каби йўналишларда иш олиб борилмоқда.

Адҳам ОДИНАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ЯНГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Мамлакатимиздаги ислохотларда маҳаллаларнинг ўзига хос ўрни бор. Асрлар давомида шаклланган қоидаларга асосланган маҳаллада эл сайлаган оқсоқол учун бегона хонадон ёки киши бўлмаган. Шунинг учун у исталган уйга бемалол эшик қоқиб кираверган, маҳалладошлар билан сирдош, ҳамфикр бўла олган.

Шу билан бирга кейинги пайтларда маҳалла фуқаролар йиғини ўзининг вазифаларидан четлашгани, унинг бошқа идоралар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилмагани, ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш бўйича кўрилатган чоралар самара бермаётгани жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётганини инкор қилиб бўлмайди.

Президентнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5700-фармони ижроси ўрганилганда ҳақиқатан ҳам маҳалладаги раис ва унинг масъул котиби зиммасига 200 га яқин бажариб бўлмайдиган, қозғолган қозғолга ўтадиган вазифалар юклангани аниқланди. Мисол учун, 22 февраль куни Бош прокуратурада Жиноятчиликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жиноятчиликка эмас, балки унинг сабабига қарши курашиш муҳимлиги ҳақида кизгин муҳокама қўйди. Жумладан, қотиллик жиноятларининг 28 фоизи эр-хотин, ака-ука, ота-ўғиллар ўртасида юз бергани ёки таълим муассасаларида 210 ўқувчи совуқ қурол олиб юргани, 2019 йил 9-14 ноябрь кунлари

назар ташласак, Германияда оила, кекса фуқаролар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича федерал вазирлик, Буюк Британия, Малайзия, Хорватия, Жанубий Корея, Канада, Сингапур, Туркия, Ҳиндистонда бир неча асрлардан бери оила, ёшлар ва ўзини ўзи бошқариш масалалари бўйича махсус вазирлик ва идоралар фаолият кўрсатади.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги 4602-қарори билан олдинги маҳалла институтини бошқариш тизими бутунлай ўзгарди, лекин вазифа ва мақсад ўзгармади.

Бундан кейин Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан маҳалла, қишлоқ ва овулларда аҳоли муаммоларини аниқлаш, ҳал этиш ҳамда жамоат ҳафсизлигини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилади. Эндиликда маҳалла раисининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди.

Президентимиз халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш, иқтисодийнинг тез ривожланишини таъминлаш барча соҳаларда билимли, иқтидорли кадрларга боғлиқ деб таъкидлаб келади. Шу муносабат билан фармоннинг 25-бандида вазирлик уч ой ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда



Тошкент шаҳри мактабларида 4215 нафар, 11-27 ноябрь кунлари Қашқадарёда 1057 нафар ўқувчи дарсларга сабабсиз қатнашмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Ким айбдор? Бу ерда, бизнингча, юқоридаги ҳолатларни бартараф қиладиган куч – бирдамлик етишмайди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5938-фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил қилинди. Шу кунги Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 4602-қарори қабул қилиниб, ҳозир вазирлик тизимига раҳбар ходимлар функционал вазифаларидан келиб чиқиб танлаб олинмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида доимий фаолият кўрсатувчи алоҳида ўқув курслари ташкил этиш бўйича тақлифларни киритиш дейилган. Бу эса ушбу соҳани ривожлантиришни таъминлайди. Бугунги кунда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курслари ташкил қилинган. Лекин фуқаролар йиғинлари тизимида кадрлар кўнимсизлиги сабабли маҳалла фаолиятида самардорлик етарли даражада эмаслигини кўриб турибмиз. Янги вазирлик тизимида шунга ўхшаш жиҳатларнинг ҳисобга олиниши маҳаллалардаги қўллаб муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

С.БАБАКУЛОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

ҚОТИЛ ЁЛЛАГАН АЁЛ

Аввало ният тўғри бўлиши керак. Мақсадга етишиш учун сабр ҳам лозим. Нияти тўғри бўлмаган одам сабр қилолмайди.

Мунира 1995 йили оиласи билан Самарқанд шаҳри Беруний кўчасидаги кўпқаватли уйлардан бирига кўчиб келди. Бу ерда 15 йилга яқин яшади. Шу йиллар давомида кўни-кўшни, маҳалла-кўйга араллашиб ўзига яраша ҳурмат қозонди. Айниқса, Любовь хола исмли кўшнисси билан жуда яқин бўлиб қолишди.

Яқин қариндошларидан ҳеч кими йўқ Любовь Иванова ёлғиз яшарди, бунинг устига анча ёшга бориб қолган. Бундай кишилар меҳрга зор, озгина бўлса-да моддий ёрдамга муҳтож бўлади.

Мунира бирор егуликми, кечки овқат кўтариб Любовь холанинг уйига кўп қирар, иккаласи соатлаб гаплашиб ўтиришарди. Ёрдам керак бўлиб қолса, пул-мулдан ёрдам берарди. Шу зайл йиллар ўтди. Любовь холанинг уйи кимга қолиши масаласини Мунира ҳар замонда гап орасида кистириб ўтарди, лекин Любовь хола эътибор бермасди. «Маслаҳатлашамиз» деб кўя қоларди. Мунира аста-секин гапни жиддийлаштириб борди:

— Сиз вақти келиб оламдан ўтсангиз, меросхўрингиз бўлмагани учун уй давлатга ўтиб кетади. Кейин кимлардир фойдаланиб қолади. Келинг, ундан кўра мен сизни умрингиз охиригача парварিশ қиламан, молдий таъминлайман, касал бўлсангиз давлатман. Шулар, бир фарзанддай хизмат қиламан. Эвазига сиз уйни менга мерос қолдирсангиз, — деди.

Любовь хола кўп ўйлади. Орада ойлар, йиллар ўтди. Бу орада Мунира меҳрибончиликни кучайтириб борди. 2009 йилда Самарқанд туманидан ҳовли сотиб олиб, оиласи билан кўчиб кетди. Лекин алоқани узмади, тез-тез бозорчар қилиб, хабар олиб турди.

Хуллас, Любовь хола унга ишонди. 2016 йилда Любовь Иванова уйини вафотидан кейин Мунирага мерос қолдириш тўғрисида васиятномани нотариус орқали расмийлаштирди.

Мунира ниятига етганди. Энди кампир оламдан ўтса бас, яна битта уйли бўлади. Фақат кампир хали-бери ўладиган эмас. Орадан йиллар ўтди. Мунира

Россияга ишлагани кетди. Ўша ёқдан Любовь холага оз-оздан пул жўнатиб турди. Келганида бозорлик қилиб, ҳолидан хабар олди. Муносабатлари ўзгармади.

Васиятнома расмийлаштирилганидан сўнг ҳам уч йил ўтдики, кампир тирик. Бу аста-секин Муниранинг асабига тега бошлади. «Бу кампир ўладиганга ўхшамайди!» дерди ўзига ўзи.

Любовь хола жуда кексайиб қолган. Уйдан чиқмайди, эшигини ҳам бировга очмайди. Фақат Мунира билан телефонда гаплашиб туради, холос. Мунира ҳам кўп пул бераётгани йўқ, ойига ўртача 100 000 сўмдан жўнатиб турарди.

Мунира Россиядан бу гапни келишида яна Любовь холани кўргани борди. Уйни кўздан кечирди, уста чақириб, таъмирлатмоқчи бўлди:

— Бизникида бирга яшаб турасиз, уйни капитал таъмирлаймиз. Кейин маза қилиб яшайверасиз, — деди.

Любовь хола кўнмади. — Мени безовта қилма, мендан кейин хоҳлагандай таъмирлайсан, — деди.

Шундан кейин Муниранинг кайфияти бузилди.

«Ўзи чумчуқнинг жонидай жони бўлса, ўлдиртириб юборсам-чи?» деган машум ўй ҳаёлини чулғаб олди. Аввалига кўрkinчи туюлган бу фикр аста-секин қатъийлашиб борди. Худди бошқа чораси йўқдек, шундай қилмаса уйни ололмайдигандек безовта бўлаверди.

Нихоят қатъий қарорга келгач, одам ўлдирish қўлидан келадиган ёлланма қотил излай бошлади. Бу гапни ҳаммага айтиб бўлмайди, ҳамма ҳам одам ўлдирishга рози бўлавермайди. Роса ўйлади, ниҳоят Россияда қамқоқ жазосини ўтаб қайтган бир киши ёнига тушди. Россия қамқоқхонасини кўрган одам пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган вахший бўлади деб тасаввур қилди.

Шухрат ака Россияда тасоффан бир жанжалга араллашиб қолиб, бир йилга қамалган. Жазони ўтаб келгач, машинасида юк ташиб, тичқина тирикчилик қилаётган эди. Мунира уни излаб топди:

— Шухрат ака, сизга бир жиддий таклиф бор, — деди Мунира салом-алиқ-

дан сўнг.

— Қўлдан келса хизматдамыз, — деди Шухрат ака машинасида бир қараб кўйиб.

— Сизнинг қўлингиздан келади, — деди Мунира ишонч билан. — Бир кекса кампирни ўлдириш керак.

— Нима?! Уйлаб гапираясизми?! — Шухрат ака бир сапчиб тушди. Кўзига қамқоқхонанинг панжаралари кўриниб кетди. — Одам ўлдириш ҳам катта гуноҳ, ҳам катта жиноят. Бу фикрни қаллангиздан чиқариб ташланг. Менга бу гапни айтмадингиз, мен эшитмадим.

— Шухрат ака, ёшлигингиздан жуда чапани эдингиз. Сизнинг қўлингиздан келади, — Мунира кўндиришга ҳаракат қила бошлади. — Минг доллар бераман.

— Мен бунақа ишларга аралашмайман, аклимини еганим йўқ, сиз ҳам бу гапни эсдан чиқаринг. Бу яхшилиққа олиб келмайди.

Мунира кўп ялинди, Шухрат ака кўнаки қўлиб қолди. Мунира кейинчалик ҳам икки-уч марта уни кўндирмоқчи бўлди, нархни ҳам 2000 долларга чиқариб кўрди, фойдаси бўлмади.

Мунира бошқа одам излай бошлади. Синглиси оиласидан ажрашган киши билан турмуш қурганди. Ўша одамнинг аввалиги турмушидан Фарход исмли ўгли бўлиб, у ҳам Россияда жиноят содир қилиб, жазо ўтаб келган эди. Мунира Фарходни излаб топди.

— Фарход, нима иш қилаясиз?
— Хозирча бекорман, — деди Фарход. — Лекин иш излаяпман.

Мунирага шу гап керак эди:
— Мен сизга иш топиб бераман. «Волга» олиб бераман, юк ташиб пул топиб юрасиз. Фақат олдин менинг бир илтимосимни бажаришингиз керак.

— Хўш?.. — кизиқиб қолди Фарход.
— Бир кампирни ўлдирish керак. Олдиндан 500 доллар бераман. Ишни бажарганингиздан кейин яна 600 доллар бераман.

Фарход ўйлаб кўришини айтиб кетди. Кейин яна бир-икки марта телефонда гаплашишди. Кейинги учрашганларида Мунира Фарходга 200 доллар аванс берди. Манзилни тушунтирди.

— Кампир бегонага эшикни очмайди.

Сиз шахар газ идорасиданман деб бERING, — деди Мунира.

Фарход Мунира ортимдан одам кўйиб қузатаётган бўлса керак деб ўйлади ва манзилга борди. Эшикни тақиллатди. Любовь хола эшикни очмади.

Фарход бу ҳақда Мунирага айтди. У янги хийла топди:

— Мен кампирга бир одамдан пул бериб юбораяпман дейман. 200 долларни майдалаб, 500 минг тайёрлаб қўйинг, олиб борасиз, — деди.

Мунира Любовь холага телефон қилиб, «Бир кишидан пул бериб юбораяпман» деганди, у рози бўлмади, «ўзинг олиб кел» деди.

Фарход бошиданок бу масала бўйича хулоса чиқарган, бу ҳақда янгасига айтганди:

— Мунира хола менга бир рус кампирни ўлдирishга буюртма берди. Лекин уни ўлдирмайман. Мен ўлдирмасам, у бошқа бировни топиб кампирни ўлдирishи мумкин. Шунинг учун Мунирани органга ушлаб бераман.

Фарход шу фикрда эди. Фақат Муниранинг ҳаракатлари жиддиймикин деб қузатиб юрганди. Вазият жиддийлашиб, Мунира уни тезлайвергач, Самарқанд шаҳар ИИБга бориб ариза берди. Дарҳол тадбир уюштирилди.

— Мен эшикнинг қулфини очадиган уста топдим, — деди у Мунирага кўнғирок қилиб, — фақат унга ҳам 100 доллар бериш керак.

Мунира келишилган жойга етиб келди, яна бироз муҳокама қилишди. Мунира Фарходга 100 доллар бериб:

— Бутундан қолмасин, — деди. Шу пайт хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари уни қўлга олишди.

Тергов-суриштирув жараёнида барча ҳолатларга аниқлик киритилди, Муниранинг айби тўлиқ исботланди. Любовь Иванова дарҳол васиятномани бекор қилди.

Суд ҳукми билан Мунира 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Назиржон ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

ҲАСАДГҲЙ ҚЎШНИНИНГ ШАРТИ

Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни яхши дейдилар. Халқимизда азалдан кўни-кўшничилик муносабатлари қадрланади. Момоларимиз уйда тансиқроқ таом пишса, албатта кўшнилари билан баҳам кўрган. Кўшнилар бир-бирини қўллаб-қувватловчи яқин инсонлардир.

Аммо баъзан ўз нафси йўлида яқинларига, кўшниларига панд берадиган инсонлар ҳақида эшитиб қоламиз. Яқинда жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар судида ана шундай кўшнилardan бирига доир жиноят иши кўриб чиқилди.

О.О. кейинги пайтларда кўшнисси Б.А.нинг тадбиркорлиги ривожланиб бораётганига ҳасад қила бошлади. Шу боис бултур ёзда Б.А. электрон аукцион орқали ер олаётганидан хабар топгач, гарчи ер олиш нияти бўлма-

са ҳам аукционда қатнашди. О.О. аукционда шувчаки иштирок этмади. Ер нархини сунъий равишда оширди. Оқибатда Б.А. ер ололмай қолди. Иштирок этиш учун тўлаган пулига қуйгани қолди.


Ушбу ер аукционга қайта қўйиладиган бўлди. Б.А. кўшнисиникига бориб, муроса қилишга чақирди, «Сенга бу ер керак эмас-ку, аукционда иштирок этиб нима қиласан?» деди. Шунда О.О. 10 минг АҚШ доллар берса, аукционда қатнашмаслигини билдирди. «Бу жуда катта пул, беролмайман» деди Б.А. Шундан кейин О.О. бошқаларни ҳам аукционда иштирок этишга даъват қила бошлади. Б.А. О.О.ни яна муросага чақирди. Ниҳоят О.О. 5000 доллар эвазига аукционда қатнашмасликка ваъда берди. Б.А. кўшнисига шу пулни беришга рози бўлди. Аммо бу ҳақда кадастр

идорасида ишлайдиган танишига айтганди, пул бермасликни, электрон аукционда ҳаммаси қонуний бўлишини тушунтирди ва хуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишни таклиф қилди. Шундан сўнг Б.А. департаментнинг Хива тумани бўлимига мурожаат қилди.

О.О. фирибгарлик билан кўшнисидан келишилган 5000 доллардан 3000 долларини олган вақтида қўлга олинди.

«Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан» дейдилар. Кўшнисига панд беришни истаган О.О.нинг ўзи панд эб қолди. Суд ҳукми билан О.О.га жазо чораси қўлланди.

Дониёр РАДЖАБОВ,
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим прокурори



Бугунги кунда ҳам айрим жисмоний ва юридик шахслар белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида тўламаган ҳолатлар учраб турибди. Хусусан, Сарносиё туманлараро иқтисодий судининг ижро варақасига асосан тумандаги «То'palang hpd building» масъулияти чекланган жамиятдан 7 млрд. 506 млн. 852 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш белгиланган.

Солиқ қарзини ундириш чоралари кўрилмоқда

Мазкур ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюросининг Сарносиё тумани бўлимига келиб тушган ва ижро ҳаракатларига киришилган. Жамиятга тегишли мулклар ҳамда ҳисобрақамга банд солинган. Бюро ходимлари жамият раҳбарларига оғохлантириш хати билан чиқиб, қарз тўланмаган тақдирда мулклар аукционга чиқарилиб, қарз шу тарзда қопланишини тушунтиришди.

Бундан жамият раҳбарлари хулоса чиқариб, қарзини тўлиқ тўла берди. Шундан сўнг ижро ҳаракатлари тўхтатилиб, қарздорга нисбатан қўйланган барча чекловлар олиб ташланди.

Шунингдек, Кўрғонтепа ту-

манлараро иқтисодий судининг ижро ҳужжатида «Хонобод таъминот савдо» корхонасидан Хонобод шаҳар давлат солиқ инспекциясига 312 млн. 149 минг сўм солиқ қарзини ундириш белгиланган. Мажбурий ижро бюроси Хонобод шаҳар бўлими ходимларининг бир неча бор оғохлантиришига қарамай қарз тўланмаган. Шу сабабли бюро ходимлари томонидан корхонага тегишли бинолар хатланиб, сотувга чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Зоҳиджон МИРМАҲМУДОВ,
Бош прокуратура хузуридаги
Мажбурий ижро бюроси бўлим
бош инспектори

Масъулият оширилмоқда

Мажбурий ижро бюроси Хоразм вилояти Боғот тумани бўлими 2019 йилда электр энергияси ва табиий газдан 14,5 млрд. сўм қарзи бор аҳолига бажарилиши мажбурий бўлган 61210 та, шунингдек, иш берувчиларга 775 нафар ходим(истеъмолчи)нинг 838,6 млн. сўмлик қарзини иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида талабнома киритди.

Шу билан бирга, энергия ресурсларидан қарзи бор 4485 та улгурчи истеъмолчининг банкдаги ҳисобрақамларига 21,6 млрд. сўмлик инкассо топшириги кўйилди.

Ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаган 198 та истеъмолчи электр ва газ тармоғидан узиб кўйилди.

Тармоқдан узилган истеъмолчиларни қайта улаш учун улардан 322,1 млн. сўм ундирилди.

Ўтган йили электр энергияси бўйича жами 36,7 млрд. сўм, табиий газ бўйича 26,1 млрд. сўм қарз ундирилди ва 2020 йил бошида туманда электр энергиясидан дебитор қарздорлик 945,3

млн. сўмни, табиий газдан 150,1 млн. сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, назорат тадбирларида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш бўйича 65 та ҳолат фош этилди. Мисол учун, Миришкор қишлоғида яшовчи М.Э. ўз уйида электр тармоғига яширинча улашиб, давлатга 32,1 млн. сўмлик зарар етказгани аниқланди. Ҳуқуқбузар бир ой ичида зарарни тўлиқ қоплагани сабабли унга нисбатан жиноят иши кўзга ташланди.

Максуд ИСКАНДАРОВ,
МИБ Боғот тумани бўлими бошлиғи

Фаолият самарадорлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар бўлиmlари томонидан иш юритишдаги ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда ижро қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилган. 2019 йили бюро органлари иш юритишдаги 1 трлн. 341 млрд. 900 млн. сўмлик 201990 та ижро ҳужжатидан 1 трлн. 55 млрд. сўмлик 177387 тасининг ижроси тамомланди. Шундан, давлат фойдасига 459,2 млрд. сўм ундирилди.

Жиноят оқибатида етказилган зарарни ундириш бўйича 5,3 млрд. сўмлик ижро ҳужжат-

ларининг ижроси таъминланди. Бундан ташқари, бугунги кунда алимент ундириш тўғрисидаги 12086 та ижро ҳужжати бўйича кўрилган чоралар натижасида 5401 та ҳужжатнинг ижроси тамомланиб, 6 млрд. сўмдан зиёд алимент пули ундириб берилди. 6685 та ҳужжатнинг ижроси давом эттирилмоқда.

Фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент тўлашдан бўйин товланган 230 кишига нисбатан маъмурий суднинг қарорига асосан маъмурий қамок жазоси тайинланди.

Маълумки, оилаларнинг бузилиши, энг аввало, фарзандларнинг тақдирига салбий таъсир этади. Шу боис давлат

ижрочилари ажрашиб кетган ёки ажрашмоқчи бўлган эр-хотинлар билан юзма-юз учрашиб, уларни яраштиришга ҳаракат қилмоқда. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг қарздор У.Г.дан Д.Н.га фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича бюронинг Гулистон шаҳар бўлими давлат ижросисининг савий-ҳаракати билан тарафлар яраштирилиб, оиласи тикланди.

Бехзод АБДУРАХИМОВ,
МИБ Сирдарё вилояти
бошқармаси бошлиғининг
уринбосари

Маънавий зарар ундирилди

Маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (қамситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Маънавий зарар ундириш билан боғлиқ ишларни судда кўриш амалиётида шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсига путур етказилганлик учун маънавий зиённи қоплаш алоҳида аҳамият касб этади. Бун-

дай тоифадаги ишларни кўришда ҳуқуқбузарликнинг характерини ва бу ҳуқуқий муносабатга маънавий зарарни қоплаш бўйича қонунни қўллашга йўл кўйилиши мумкинлиги, агар қонунда бундай жавобгарлик белгиланган бўлса, маънавий зарарни қоплаш тартиби ва шартларини назарда тутган қонуннинг қачон қучга кирганини, шунингдек, маънавий зарарни келтириб чиқарган ҳаракатлар қачон содир бўлганини текшириш ва муҳокама қилиб, баҳо берилиши лозим бўлади.

Қинғир ишнинг қийиғи

Мажбурий ижро бюроси Сурхондарё вилояти бошқармаси ва Термиз тумани бўлими ходимлари ўтказган текширишда тумандаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилаётгани аниқланди.

Мазкур цехда ўрнатилган электр ҳисоблагичнинг ҳисобга олиш приборининг улаш схемаси ўзгартирилган. Натижада 2017 йил ноябрь ойидан 2019 йил декабрь ойига қадар Тер-

миз тумани электр таъминоти корхонасига 122 млн. 799 минг 600 сўмлик зарар етказилган.


2019 йил 27 декабрь куни мазкур ҳолат юзасидан корхона мансабдорлари ҳамда туман электр таъминоти корхонаси бошлиғининг энергия сотиш масалалари бўйича ўринбосарига нисбатан жиноят иши кўзга ташланди.

Равшан НАМАЗОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти
бошқармаси бошлиғи

Бюронинг Навбаҳор тумани бўлими ходимлари 2020 йилнинг 11-15 февраль кунлари 19 та ҳолатда коррозия натижасида газ қувурларида тешиқлар ҳосил бўлгани, газ ҳиди анкиб тургани аниқлади.

Тешиқ қувурлар

Бу ҳақда белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилиб, туман газ таъминоти корхонасига камчиликларни бартараф этиш ҳамда йўқотилган газ ҳажмини аниқлаш учун юборилди. Масалан, 11 февраль куни «Янгиҳаёт»



МФЙдан ўтувчи, диаметри 79 мм бўлган газ қувуридан тахминан 25-30 кундан буён газ ҳиди анкиб тургани аниқланди ва белгиланган тартибда «Навбаҳор тумангаз» филиалига хабар берилиб, но-созлик бартараф қилинди.

Туманда газ қувурларининг эскиргани ва хонадонларда механик ҳисоблагичлардан фойдаланилиши натижасида етказиб берилган ва ишлатилган газ ўртасида тафовут бўлса-да, бироқ газ таъминоти корхонаси томонидан юқоридаги каби ҳолатлар инобатга олинмасдан, ҳудудга кириб келган газ ҳажми ҳисоботга тўлиқ киритилиб, қарздорлик сунъий равишда кўпайтирилмоқда.

Назиржон ҒАФФОРОВ,
МИБ Навбаҳор тумани бўлими бошлиғи

Барака ҳалолликда

Тадбиркорларимиз берилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, юртимиз ривожига, ишсизликни камайтиришга ҳисса қўшмоқда. Аммо айрим фуқаролар тадбиркорлик баҳонасида халқ манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиб, иқтисодиётимизга зарар етказаяпти.

МИБ Шаҳрисабз шаҳар бўлими тезкор ходимлари 2019 йил 22 ноябрь куни ўтказган тадбирда Кулоллик МФЙ Шарқ кўчасида яшовчи М.С. хонадонида паррандачиликни йўлга қўйиб, тадбиркор-ман деб ишлаб келгани, аммо табиий газ ва электр тармоғига яширинча улашиб, улардан ноқонуний фойдаланиб келгани аниқланди.

Қонунбузарга нисбатан чора кўрилиб, етказилган зарар, яъни электр энергияси учун 8,5 млн. сўм, табиий газ учун 4,5 млн. сўм ундирилди.

Тулқин ҲУСАНОВ,
МИБ Шаҳрисабз шаҳар бўлими тезкор шўба криминалисти

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ОРГАН

унинг ташкил этилиши ва фаолияти бўйича хорижий тажриба

Ўзбекистонда 2017 йил 4 январда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кучга кирган. Бироқ қонунда ушбу соҳага масъул бўлган ихтисослаштирилган орган мақоми белгиланмасдан, бу борада бешта органнинг (Бош прокуратура, ДХХ, ИИВ, Адлия вазирлиги, ИЖҚК департаменти) ваколатлари қайд этилган.

Ўрганишлардан маълум бўлишича, хорижий мамлакатларда коррупцияга қарши курашувчи органларнинг тўртта асосий модели қўлланилмоқда.

1-модель. Коррупцияга қарши кураш агентлиги жиний жавобгарликка тортиш билан бир вақтда коррупциянинг олдини олиш ва бўйўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш функцияларини бажаради. Жумладан, Қозғистон (Коррупцияга қарши кураш агентлиги), Сингапур (Коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюроси), Литва (махсус тергов хизмати), Латвия (Коррупцияга қарши кураш, унинг олдини олиш ва назорат қилиш бюроси), Молдова (Коррупцияга қарши кураш миллий маркази), Польша (Коррупцияга қарши кураш марказий бюроси), Аргентина (Коррупцияга қарши кураш идораси), Австрия (Коррупцияга қарши кураш федерал бюроси), Австралия (Коррупцияга қарши кураш мустақил комиссияси), Мўғулистон (Коррупцияга қарши кураш мустақил агентлиги, Тожикистон (Давлат молиявий назорат ва коррупцияга қарши кураш агентлиги), Озарбайжон (Коррупцияга

қарши кураш бош бошқармаси).

2-модель. Хукукни муҳофиза қилиш хусусиятига эга ихтисослашган идоралар. Бунга ихтисослаштирилган прокуратура (Хорватия, Руминия ва Испания) ва ихтисослашган полиция хизмати (Бельгия, Норвегия ва Буюк Британия) мисол бўла олади.

3-модель. Энг кенг тарқалган ушбу моделга коррупциянинг олдини олиш мақсади бўлган муассасалар киради. Амалда профилактик ва мувофиқлаштирувчи функциялар бир органда бирлаштирилади ёки турли органларга бериллади. Коррупцияга қарши мониторинг миллий кенгаши (Хорватия), Коррупцияга қарши кенгаш (Сербия), Идораларо ишчи гуруҳ (Албания) ва Коррупцияга қарши кураш бўйича Россия президенти хузуридаги кенгаш бундай тузилмаларга мисолдир.

Грузия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистонда ҳам шундай тузилмалар мавжуд.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган органлар доимий фаолият юрताди.

4-модель. Коррупциянинг олдини олишга хисса қўша-

диган давлат муассасалари. Бундай муассасалар кўпинча ахлоқ, манфаатлар тўқнашуви, активларни декларациялаш ва шу каби коррупциянинг олдини олишга тегишли бўлган бир ёки бир неча соҳа билан иш қўради. Бунга Литванинг Асосий расмий этика комиссияси, Молдованинг Профессинал этика миллий агентлиги, Руминиянинг Профессинал этика миллий агентлиги мисол бўла олади. АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия ва Италияда ҳам шундай агентликлар мавжуд.

Кўп ҳолларда коррупцияга қарши органларнинг ваколатлари, вазифа ва мажбуриятлари қонунда мустаҳкамланган. Мисол тариқасида Молдованинг «Иктисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш маркази тўғрисида»ги, Украинанинг «Миллий коррупцияга қарши бюроси тўғрисида»ги ва Сербиянинг «Коррупцияга қарши кураш агентлиги тўғрисида»ги қонунларини келтириш мумкин.

Ўзбекистон Президенти 2020 йил 24 январда парламентга қилган мурожаатида коррупцияга қарши курашга аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилиниши лозимлигини, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «халоллик вақинаси» билан эмланиши кераклигини, акс ҳолда олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигимизни таъкидлади.

Шу билан бирга, давлат раҳбари коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўттиш кераклигини қайд этиб,

парламент ва президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш таклифини билдирди.

Фикримизча, коррупцияга қарши курашувчи мустақил органнинг олдида аниқ вази-фаларни қўйишда хорижий амалиётнинг ижобий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда:

– унинг ваколатлари, функция ва вазибаларини қонунда белгилаш;

– унга давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида жорий этиладиган комплаенс назорат тизимини мониторинг қилиш вазибаларини юклатиш;

– органинг фаолияти юзасидан ҳисобдорлигини таъминлаш;

– орган ташкил этилиши муносабати билан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда қайд этилган органларнинг ваколатларини қайта қўриб чиқиш;

– коррупция хавфига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг ваколатлари рўйхатини тузиш;

– коррупцияга қарши курашишнинг долзарблиги ва аҳамиятини инобатга олиб, махсус органга тезкор-кидирув (заруратга кўра дастлабки тергов) фаолияти билан шўгулланиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқдир.

Бобур Мирзо ИСМОИЛОВ,
Бош прокуратура академияси марказ бошлиғи
Фарход ЮЛДАШОВ,
академия магистратура тингловчиси

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ПОРАХЎРЛИК – ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Дарахт қурти (термит) унинг танасига ўрнашиб олиб, уни ичкаридан кемириб, охи-роқибат нобуд қилади. Сиртдан қараганда киши буни пайқамайди.

Фақат кечагина гуллаб-яшнаб, табиатни безаб турган улкан дарахт завол топгач, бунинг сабабчиси ана шу кичкина зараркунанда эканини англаб, таажжубга тушамиз.

Табиатда бундай мисоллар жуда кўп, бу жонзотлар онгсиз, уларни инстинкт бошқаради-ку десангиз, бу фикрингизда ҳақсиз. Бироқ жамики мавжудотларнинг гулдожи бўлмиш инсон табиати-чи? Унинг фаолияти ҳамиша жамият тараққиётига юзланганми?

Минг афсуслар бўлсинки, жамиятимизнинг онгли вакиллари орасида унинг қонуларини назар-писанд қилмасдан, фақат ўзини ўйлаб яшайдиганлар ҳам учрайди. Ўз нафси домига илинганлардан бири И.М.дир. Қуйидаги воқеа тафсилотлари билан танишсангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Департаментнинг Нишон тумани бўлими ҳамда туман прокура-

тураси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда И.М. фукаро Т.Х.ни алдаб, ишончини сунистьемол қилиш йўли билан «Интер Инженеринг» компаниясидаги танишлари орқали уни ишга киритиб қўйишини айтиб, тамағирлик йўли билан ундан 300 АҚШ доллари миқдорда пора талаб қилади. Уни сўмга ҳисоблаб 2 700 000 сўм пулни фибригарлик йўли билан олаётган вақтда ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг очик суд мажлисида И.М.нинг жиний иши атрофлича муҳокама қилиниб, айбдорга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Коррупция жамиятнинг маънавий асосларига пугур етказди, давлат ҳокимиятини халқнинг олдида обрўсизлантиради, ўсиб келадиган ёш авлод онгини заҳарлайди, уларда ҳаёт каллоблигу гиромликдан иборат экан, деган фикрни вужудга келтиради, ижтимоий адолатга бўлган ишончини сўндиради, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузиллишига олиб келади ва ҳоказо. Шундай экан, бундай салбий иллатга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Дилшод ЖАЛИЛОВ,
департаментнинг Нишон тумани бўлими бошлиғи

Англиянинг «Челси» клуби хўжайини Роман Абрамович коронавирус туфайли бир ойда 2,7 миллиард евро йўқотди.

КЕЛГУСИ
СОНДА

МИЛЛИОНЛАБ
ДАРАХТ НИҲОЛ-
ЛАРИ ЯХШИ
НИЯТЛАР БИЛАН
ЕРГА ҚАДАЛ-
МОҚДА. АММО
УЛАРНИНГ
ҚАРОВИ-ЧИ?

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. [T] – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4118.

22 251 nusxada bosildi.

Dag'oz bichini A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridil va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa jodiy uyida chop etildi.
Korxonada manzil: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004


19-MART 2020-Y.

HUQUQ N. 11

(1208)

11


 ИПОТЕКА BANK


 Assalom, Navro'z

Ipoteka-bank ATIB Xorazm jamoasi

barcha yurtdoshlarimizni Navro'z bayrami bilan muborakbod etadi. Ushbu bayram hayotingizga quvonchli xabarlar, farovonlik, osoyishtalik, baxt va saodat olib kelsin.

Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo bo'lsin. Ipoteka-bank hamisha Siz bilan!

Imkoniyat yaratamiz!

Хизматлар лицензияланган

MULOHAZA

«ЖИМ ЎТИР, БЕРВОРАМАН» сериал кўраётган она қиёфаси

Хорижий сериаллар намоиш этилмаслиги учун курашдик. Фикр билдирдик, тарбиямизга, фарзандларимизга, аёлларимизга ёмон таъсир қилаётганини «исботладик». Хуллас, миллий кинолар ишлашга кўпроқ эътибор қаратилди, натижада хориж сериалларининг намоиши камайди. Қувондик.



Лекин онахонлар, уй бекалари, келинлар нима кўраётми? Менталитетимизга ёт бўлган хорижий сериал намоиши чеклангани билан аёлларимиз бўш вақтида китоб ўқияптими?

Йўқ, афсуски, уларни китобга қизқира олмадик. Улар ҳалиям сериал кўраётми. Бир телеканалда тугаса, иккинчисида бошланади.

...Абдуалим ота Мирсодиқов саксонни қоралади. Кўпни кўрди. Икки фарзандининг турмуши ўхшамади. Набираларининг қора кўзларидаги аламли ёшларни кўрди. Мана, оиласи бузилган номус қилиб ўзини ўлдирган кизининг ўғлини қатта қилаётми. Келини шу набирасини тергаётганини кўп кўрган. Ичидан зил кетса-да, яхши гап билан келинини бу йўлдан қайтаришга уринади. Бола-да, шўхлик қилгиси келади. Келинига ҳам инсоф қилиб, хатосини тушуниб етишини кутади. Аммо...

Кеча сериал кўриб ўтирган келинининг дакки бераётгани устига келиб қолди.

У «Хей, жим ўтир, сендака эси йўқ болани ҳозир итларга бериб юбораман. Шўхлик қилган болани олабўжи обкета-

ди. Кино кўраётганимда шовкин қилма деб оғохлантиргандим-ку...» дер эди. Абдуалим ота томоқ қирди. Ўз фарзандини ҳам шундай қойийдиган, ҳар икки гапнинг бирида болаларни кўрқитиб жим қилишга уринадиган келини бунини эшитмади. Тўғрироғи, парво қилмади. Наҳотки шу кино оналик, аёллик меҳридан устун бўлса...

Она деганда меҳридарё, фарзанди учун фидойиликка тайёр зот кўз олдимизга келади. Лекин турмуш ўртоғини ўлдирши учун 50 минг АҚШ долларига одам ёллаган аёл, аёлнинг хиёнати, фарзандларини ҳам ўйламай ташлаб кетиши ҳақидаги хабарларга тез-тез дуч келаяпмиз.

Бугунги жадал тараққиёт анъаналарини емираяптими? Инсонийликка даҳл қилаяптими? Саволлар кўп, жавоби эса кўрқинчли.

Биз юқориди тилга олган сериал кўраётган она қиёфаси бу каби иллатларнинг, адашишларнинг бошланиши бўлмасин ишқилиб...

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
журналист